



Катта арава каердан юрса,
кичиги хам шу йўлдан юради.
Халк маколи

Бўйнок сўриток тагида мудраб ётган эди. Туйкуздан каттик вовиллаб, дарвоза томонга ташланди. Рашид ховликиб уйдан чикди. Шу пайт кўча тарафдан отилган тош супа четида турган челакка даранглаб урилди. Кимдир ташкаридан дарвозани ёпиб олди. Олд оёқлари билан эшикни таталаётган Бўйнокнинг акиллаши аралаш бўгик овоз эшитилди:

— Рашид! Тирикмиса-ан?!

У бориб, дарвозани очди. Ранги кув ўчган Собир ташкарида титраб турарди.

— Хайда-е бунингни! Ё?... нимага тиржаясан? — деди у тутакиб

— Хах, танимаганингни кара-ю! Бу — ўзимизнинг Собир шер-ку! Коч, чаваклар ташлайди-я! — деди Рашид жўртага итга хезланиб.

Бўйнок калтакдан ўзини олиб кочгандек, тисарилди, лекин ириллашини кўймади.

Собир депсиниб, итга муштини дўлайтирди:

— Ўшанда сувга чўктириб юборсам бўларкан сан итваччани! Караб тур хали, кунингни кўрсатаман!

Рашид пикиллаб кулиб юборди.

— Хирингла-я, хирингла! Сенга калака килиш бўлса...

Бўйнокнинг корасини ўчирмаса, жўрасининг кўнгли жойига тушадиган эмас. Рашид уни сомонхонага камамоқчи бўлди. Ит бўлса ховлини айланиб кочишини, Собирга караб акиллашини кўймасди. Рашид ит зотининг бу қадар кек саклашини энди кўриб туриши. Собирдан калтак еганига, эх-хе, неча йил бўлди-ю, уни кўрса хали хам жахл билан ириллайди...

Ўшанда Собир хам, Рашид хам ўйинкарок бола эди. Бўйнокнинг хам кулоги кесилмаганди. "Ўгилларимиз хам ўзимиздек киёматлик дўст бўлишсин", деб оталари уларни жўра киритишган. Кишлок расм-русумига кўра тўн кийгизишиб, белбоғ бойлашган. Киёматли жўралар кўпинча бирга ўйнашарди. Шундай кунларнинг бирида Рашидни онаси чакириб, қандайдир юмуш буюрди. У кайтиб келса, Собир Бўйнокни арикдаги сувга пишиб, обдан савалаётган экан. Зўрга ажратиб олди. Бўйнок Собир ушлаган чумчукни емаган эмиш. Алам килиб итни кулогидан ушлаб судраган экан, "гарч" этиб кўлини тишлаб олибди. Шу-шу, бир-бирига кўзи тушди дегунча, икковининг хам жини кўзийди.

Бу орада Хол Бўтаевич катта ишга кўтарилиб, Собирлар шаҳарга кўчиб кетишди. Аммо, у кишлокка онда-сонда келса ҳам Бўйнок билан "гижиллашмай" кетмасди.

Собир хар гал фасони галати кийимлар кийиб келар, шаҳарда кўрганларини айтиб, хамманинг огзини очириб кўярди. "Мактабимизда Бахти деган жўрам бор. Ўзи чиллакда-ю, ўнинчидагилар ҳам эгилиб салом беради. Каратист. Кўли ойболтанинг нак ўзи. Бир уриб, гиштни икки бўлиб ташлайди. Шаҳар зўр-да, дунёга машхур одамлар сен билан ёнма-ён юраверади".

Бора-бора "Собир кепти" деган гап кулокка чалиниши билан болалар ишини ташлаб, уларникига югурадиган бўлишди. "Парпи деган огайнимнинг зўр овчаркаси бор. Оти Ресси, — ёнбошлаволиб гап бошлайди Собир. — Кургур бирам аклли-е. Парпини мактаб олдида чўнкайиб пойлаб ўтиради. Парпи дарсдан чиқиши билан папкасини тишлаб олади-да, олдига тушиб уйга жўнайди. Парпига дўк килганларни тиркиратиб кувади.

Манови Бўйнок ҳам кучук бўптими, куйган пўстакку!" "Ресси ўргатилганда-а?". "Ўргатган. Корда Парпини чанада катайса килдиришини бир кўрсанг... Бу шимни киймайин девдим-а, — у гап орасида болаларни янги кийимига жалб килади, — жуда тор, тиззани буколмайсан. Модаям жонга тегди". "Шуям модами? — афтини бужмайтиради Собир. — Бундан коп тикиш керак". "Эшакка тўкимликкаям ярамайди". "Вўй, кишлокилар-е".

Собирнинг бирдан ранги ўзгаради.

"Биласанларми бу канча туради? Хаммангни кийимингни сотгандаям ярмига етмайди.

Мактабда мен билан физоргимиздан бўлак хеч кимда йўк бунакаси!" "Халиги, погонли куйлагинг бор-у, оти пиконмиди, жуда чиройли эди-да, — вазиятни юмшатмокчи бўлади Рашид, — буям яхши, факат жуда киммат экан". "Арзоннинг моли татимас. Одам дунёга икки марта келмайди", — Собир отасидан эшитган гапни салмоклаб такрорлайди.

... Рашид Бўйнокни сомонхонага камаб, Собирнинг ёнига кайтди. У дераза ёнидаги стулда оёгини ликкилладиб ўтирган экан. Рашид шоша-пиша ўрнини йигиштира бошлади: — Бугун бормокчи эдим, иситманг бор, мактаб кочиб кетмайди, деб энам кўймади.

— Нима дейсан?

Рашид кўрпани тахлаётиб Собирга каради. Назарида дўстининг хаёли жойида эмас эди. Собирнинг кийик кўзлари олма-кесак терар, лаблари асабий титраётганди. Рашид кўрпани тахмонга жойлаб унинг ёнига чўкди:

— Бунча хўмраясан? Согайиб колдингмиям демайсан-а? — деб гина килган бўлди.

— Э-э! — Собир асабий кўл силтади. Ўрнидан туриб, зарда билан деразани очаркан, Рашидга ўкрайди:

— Бўшатишди, билдингми? Раисликдан опташлашди.

— Оббо, шунга шунчами? — Рашид кулиб юборди. — Кайтанга яхши-ку, гавгодан кутулибсан.

— Гапирасан-да, — деди у норози охангда, — канча мехнатим бекор кетди. Тошпўлатга берган ёрдамим... мен бўлмасам, қолиб кетарди синфда. Кўзини бакрайтириб: "Зўравон бу, кераги йўк бизга!" деб бакирди-я! Райим билан Назар-чи? Устимдан шикоят ёзибди. Анови латта ойимча бўлса... жойини тортиб олганимга чидолмай юрган экан, бир вахима килди...

— Бошкаларни билмадим-у, Мастура унака — кунчимас.

— Ёнини оляпсанми?

— Тўгрисини айтяпман. Ўзинг ҳам анча кеккайиб кетувдинг-да.

Собир чўгни босиб олгандай тизза бўйи сапчиб тушди.

— Тилингдан илиндинг-а?

— Нима деганинг бу?

— Нега талмовсирайсан?! Дўстингдан топ, дегани шу-да, — деди Собир ўқрайиб караганча. — Ўзингни гўлликка солмай кўякол! Хаммангнинг тилинг бир. Сенинг хозир касаллигинг хам ёлгон. Биламан, отам хам бошка ишга кўтарилаётганда касалман, деб жўрттага уйда ётарди. Ишни пишитиб, шерикларингни тезлаб, ўзингни панага олибсан-да!

Собир шитоб билан ўрнидан турди-да, эшикка йўналди.

— Нимага унака деяпсан? Тўхта, хей!

Собир супага чикиб тўхтади.

— Латта ойимча сенинг номзодингни кўрсатди. Дўппингни осмонга отавер! Лекин билиб кўй, менам караб турадиганлардан эмасман! — У яна бир нима демокчи бўлди-ю, шартта бурилиб, чикди-кетди.

Рашид унинг оркасидан ўйчан тикилиб колди. Собирларнинг шаҳардаги ховлисига боришгани ёдига тушди.

... Собирларнинг уйи шаҳарнинг кок ўртасида — катта кўча ёкасида экан. Дарвозадан кирган захоти хайратдан Рашиднинг огзи очилиб колди: ховли сахни кип-кизил гулзор, ўртада мрамар ховузча, ховузчада ярим танаси сувга ботган "аждар" огзидан сув пуркаб турибди. Уйларининг пештокидаги накшлари куёш нурида товланиб, кўзни камаштиради. Гулзор орасидаги тор йўлакчаларга асфалт ётказилган.

Собир циркка, отаси хам бир ёкка кетган экан.

Собир кечга якин келди. Улар кўчага ўйнагани чикишди. Собир Рашидни Зокир, Парпи деган жўралари билан таништирди. Рашид Зокир билан Парпининг Собирга килган хушомадини кўриб, хайрон колди. Кечкурун сабабини сўраган эди, Собир: "Дўст деган шундай бўлиши керак", — деб аввалига мактанди. Кейин "Икковиям тирнокка арзимади, морожний оберганим, кинога оптушганим учун шунака", — деб синик илжайди.

Хол Бўтаевич жуда кеч кайтди. Уни ширакайф холда икки киши зўрга кўлтигидан суяб келишди. Хол Бўтаевич Рашиднинг отасини кўргач, аввал болалардек кийкириб юборди. Сўнг гандираклаб келиб кучоклаша кетди. Юз-кўзидан ялаб-юлкаб ўпди. Ёнидагилар хам мехмон билан кучоклашмокчи бўлган эди, у:"Кани, марш!" — дея кўлини бигиз килиб, дарвозани кўрсатди. Шериклари: "Хол акамиз жа очилдилар бугун. Яшасин акахонимиз!" — деганча ховлидан чикиб кетишди. Рашиднинг отаси каттик хижолат чекди, юзлари кизарди, ковоклари осилди. "Бориб ухланглар", деб болаларни тургизиб юборди-да, Хол Бўтаевичга бир нималарни уктира бошлади. Рашид то ухлагунча чорпояда отасининг босик овозини, Хол Бўтаевичнинг: "Сенлар мени кўролмайсанлар", деган ўкириши-ю, Рисолат холанинг пик-пик йигисини эшитиб ётди...

Орада ярим йўл ўтмай, кишлокда шов-шув таркади: "Хол Бўтаевич кўлга тушибди. Камомад катта эмиш".

Кўп ўтмай Собирлар кишлокка бутунлай кўчиб келишди: шаҳардаги ховли-жойлари давлат ихтиёрига ўтибди. Собирнинг айтишича, ёмон одамлар отасини каматтирмокчи бўлишибди. Аммо дўстлари бунга йўл кўйишмабди. Отасини тумандаги икки каватли магазинга мудар килиб юборганлар хам ўшалар эмиш...

Кўчиб келишганидан кейин Хол Бўтаевич яна аввалгидан Рашидларникига тез-тез келадиган бўлди. Рашид бўлса... Собирга, киёматлик жўрасига тушунолмай колди. Унинг гердайиши, хадеб ўзини кўз-кўз килиши Рашидни хайрон колдирди. Собир Назарга бир даста дафтар, расмкалам деса томдан ташлайдиган Райимга яп-янги фломастер бериб,

икковиниям чизган чизигидан чикмайдиган килди. Кейин учовлон Алини кўрkitиб, унияма ўзларига кўшиб олишди. Айникса, бир вокеадан кейин Рашиднинг кўнгли дўстидан бутунлай совиди ўшанда... эсласа, халиям уятдан юзи кизиби кетади. Собир Мастурадан гап очди:

— Мастураларинг гирт латта-я! Тагин синфкоммиш. Бўшатиш керак уни.

— Нимага?

— Биринчидан, киз бола, иккинчидан, қачон карасанг, касал... Синфком деган каттиккўл, сўзини ўтказадиган бўлса! Агар мен...

Рашид бу гапдан кип-кизариб кетди.

— Ёки сен каршимисан? — хавотирли илжайди Собир.

— Йўг-е.

— Бу бошка гап, — кўлини бир-бирига ишкади у. — Эртага бир кўллаб юборасан-да, огайни. Икки огиз мактаб кўйсанг бўлди.

— Мен, халиги...

— Яхши боласан-у, чайналишинг чаток, — унинг сўзини бўлди Собир. — Йигит деганнинг гапи киличдай кескир бўлса.

— Шу хам гап бўлди-ю, — деди Рашид энсаси котиб.

Собир баттар тутакди:

— Шахарда хамма отамга эгилиб салом берарди. Кимсан, кўп магазинларнинг бошлиги эди-да! Ишдан бўшади-ю, ўшалар кутурган итдай оёғидан оладиган бўлишди. Нимага? Билмайсан! Амалдан бўшадингми, сендан фойда йўкми — бир пулсан. Сен бўлсанг... — У ёкимсиз илжайди. — Майли. Шу ишни бир ёкли килай, ўзим саводингни чиқариб кўяман. — Собир катталардай Рашиднинг елкасига кокиб кўйди. Рашиднинг гаши келди. "Яхши одам ўзини ўзи кўтар-кўтар килмайди", демокчи бўлди, лекин тили бормади.

... Собир синфкомликка сайлангандан кейин ишлар анча жойланди, мактабда синфнинг номи тилга тушди: 1"Б"ни оталикка олган ким? 6"А". Уруш ветеранлари билан учрашув ўтказган ким? 6"А". Энг кўп темир-терсак тўплаган-чи? 6"А".

Унинг ташаббускорлиги хаммани койил колдирди. Ўқитувчилар синфда унга караб гапирадиган, баъзилари "Тўгрими, Собирбек?" деб фикрини тасдиқлатиб оладиган бўлишди.

Аммо, ярим йиллик "кўтар-кўтар"дан сўнг янги синфком босар-тусарини билмай колди. У хаммага лакаб кўйиб чикди: Мастура — латта ойимча, Тошпўлат — йўрга, Назар — юмшок супурги, Адолат — эркак сабзи...

Синфда бирор кечами, учрашувми ўтказилса, кўлини чўнтагидан олмайди. Ўқитувчига бўлса: "Мен айтган эдим..." деб керилади

— Кўлингни киссангдан чиқарсанг совук уриб кетадими? — деди бир куни Рашид. — Бунча гердаймасанг?

Собир икки-уч кун хўмрайиб юрди.

Мастуранинг тоби кочиби, бир хафта ўқишга келолмади. Собир: "Ўрнингга бошкалар навбатчилик килди, энди беш кун синфга дежурлик киласан!" — деб буюрди у дарсга келгач. Мастурага огир иш килиш мумкин бўлмаса хам пол ювди, деразаларни артди. Эртасига яна ётиб колди. Ана шундан сўнг болалар Собирнинг хулқини мухокама килмокчи бўлишди. "Мени мухокама килишга хаккинглар йўк! — устун келди Собир.

Ўн-ўн беш йил аввал оддийгина "Хол чўтир" эди. Хол Бўтаевич бўлгунча минг тешикка бош сукди. Неча марта панд еди, огзидагини олдирди. Бировнинг лукмасини тортиб

олган пайтлари ҳам бўлди.

Кўп йиллик тажрибадан сўнг Хол Бўтаевич бола тарбияси хакида шундай хулосага келди: "Бола эркин ўссин, унга хадеб дакки берма, ёш ниҳол, шохи синиб, хар нарсадан хадиксировчи, кўркок бўлиб қолади. Ўгил бола деган қиличдай кескир бўлиб улгайса, ҳеч ким шаштини қайтаролмайди".

Хол Бўтаевич ўглини саройдек кенг кабинетда елкасигача креслога ботиб ўтиришини истайди. Бунинг учун неки лозим бўлса, барисини қилади. Унсин деган йўрикчи кўчиб келган пайтлари бир-икки нолиган эди: "Синглим, кўчкорчамиз шўхроқ, ўзингиз қараб турсангиз", — деб сумкачасига бир жуфт француз атирини секингина солиб кўйди. Шу бўлди-ю, Унсиннинг уни ўчди. Синф раҳбарининг ҳам кўнглини шунга ўхшаш йўллар билан тинчитган эди. Лекин бугунгиси...

Хол Бўтаевич тепарогига ўқувчилар хонаси деб ёзилган эшикни шахд билан очди.

Альбомга коғоз ёпиштираётган Унсин "келинг", дейишга ҳам улгуролмади.

— Ишлар тузукми, сингил? — деди Хол Бўтаевич зўраки жилмайиб, қатор стуллардан бирига ўтирар экан. — Болаларингиз Собиржонимизни хафа қилиб кўйишибди-ку!

— Шундай бўп қолди. Синфдагилар анча тўполон кўтаришиб... — Унсин бўёқ теккан бармогини зўр бериб коғозга ишқай бошлади.

— Бирор йўлини қилмапсиз-да, — ўпкаланди Хол Бўтаевич, — мисол учун олдингисидан қаттарок ишга ўтказишми...

Унсин кўзларини пирпиратиб, Хол Бўтаевичга қаради.

— Боланинг шахди қайтмасин дейман, сингилжон. Ўзи, шунақа ишнинг жуда хавосини олган, ишонсангиз, бугун туз татигани йўқ. Ўзини бир бало қилиб кўймасин, деб онасининг жони халак. Энди ўзингиз бир иложини топмасангиз бўлмайди, сингилжон. Ха, айтгандай, онангиз тунов қуни қит сўраган эди. Эртага олдимга борсин, — Хол Бўтаевич шу гапларни айтгач, майин жилмайиб ўрнидан кўзгалди.

Унсин беихтиёр:

— Албатта, албатта, жуда яхши бўлади, — деб юборди.

Эрталаб синфга қириши билан болалар Рашидни ўраб олишди. "Собирнинг ўрнига сени сайлаймиз", деб шовкин-сурон кўтаришди. Рашид галати бўлиб кетди. Ноқулай ахволга тушиб қолди. Собирга қараган эди, у бир оқарди-ю, энгашиб портфелини титқилашга тушди.

Дарсдан сўнг йигилиш ўтказилди. Қаршилиқ қилгани билан фойдаси бўлмади. Рашид ўзи истамаган ҳолда Собирнинг ўрнини эгаллади. Мажлис тугаши билан Собир эшикни қарсиллатиб ёпиб, чиқиб кетди. Рашид орқасидан югурди. Қатта йўлда етиб олди.

— Собир! Собир!

Собир такка тўхтаб, кескин бурилди, бир қадам босди-ю, товони тагида бир нарса портлаб кетадигандай: "Яқинлашма! — дея ўшқирди. — Ўл-а, ахволинг шу экан-ку, демокчимидинг?!"

Рашид унинг гапини баралла эшитиб турган бўлса ҳам, худди туш кўраётгандек, гаранг эди:

— Нима деяпсан, жўра?..

— Тупурдим сендай жўрага! — захрини соқди Собир ва ортига шарт ўгирилиб, тез-тез юриб кетди. Рашид турган жойида узок серрайиб қолди.

Бўшагандан буён бегонасираб юрган Собир қатта танаффусда синфга булутдай

бостириб кирди. Доска ёнида тўхтаб, баланд тепадан теваракни томоша килаётгандай, синфдагиларга писанд килмай кўз югуртирди. Сўнг чап кўлини шими чўнтагидан олмай, Рашиднинг ёнига келди, сирли илжайди, елкасига кокди.

Бунинг сабаби синф йигилишида маълум бўлди: Собир мактаб ўқувчилар бошқаруви котиби этиб тайинланди.

Шу кундан бошлаб синфдошлари яна Собирни таниёлмай қолишди: худди илгаригидек шиддаткор, куюнчак. Бир карасанг, мажлис ўтказган, бир карасанг, куёнхона навбатчиларига маслахат берган, бир карасанг, тўполончиларни койиган... Собир синф йигилишларида Рашидни сикувга олар, хар хил бахоналар билан кўпчиликнинг олдида уни ера уришга интиларди.

Бугун Собир яна Рашидга захрини сочди.

Мактаб богида ўтказилган хашарда икки киши катнашмагани учун уни ўрнидан тургазди.

— Хўш, бунинг қандай тушуниш керак, ўртоқ Нишонов?

— Ўзинг биласан, ўуломнинг тиши...

— Мен билмайман! — Собир столга гурсиллатиб бир мушт туширди. — Тиш эмиш...

Мехнат байрами куниям тиш огрийдимми? — У узун стол теварагида бошини куйи солиб ўтирганларга бир караб олиб, давом этди. — Синфда тартиб-интизомни бўшаштириб юборгани учун Нишоновга хайфсан берилишини талаб киламан, — деб ўнг кўлини кўтарди. Ўтирганлар ерга караган куйи бирин-кетин кўл кўтаришди. Рашиднинг бўғзига муштдай бир нарса тикилди.

Йигилиш тугагач, Рашид уйига хомуш кайтди. Кўнгли гаш эди. Собирнинг такаббуруна башараси кўз олдидан кетмасди.

Тўсатдан Бўйнокнинг газабнок вовиллаши эшитилди. Рашиднинг хаёлига "лоп" этиб Собир тушди. "Бўйнок ундан бошкани бунчалик "иззат-икром" билан қарши олмайди..." Адашмабди. Собир яқинда олган "Урал" велосипеди билан ўзини тўсиб, деворга қапишиб турибди. Бир кўлида чиллаксопдай насос. Бўйнок дарвоза олдида: "Ўлдирсанг ҳам кимирламайман", дегандай олдинги оёқларини узатиб, чўзилиб олган. Рашид ити билан Собирнинг ўртасида тўхтади.

— Шу арзандангдан кутулмадим, кутулмадим-да! — деди Собир насосни жойига қўя туриб. — Йўқот бунингни! Одамга тикка сапчийди-я?!

Рашид чурк этмади. Мажлисдаги гаплар яна нашъа килди. "Хеч нарса бўлмагандай шангиллайди-я!"

— Сирканг сув кўтармас экан-ку, — илжайди Собир велосипедининг ялтирок кўнгиругини жиринглатиб кўяркан. — Бошқаларга ибрат бўлсин дедим-да. Сен — ўзимникисан. Менга караб кўп ўкраяверма, бир-икки кун ўтсин, ўзим ўчириб ташлайман. "Шайтон-ей, хаммининг олдида ерга уриб, кулогимга узр айтмоқчи", деб ўйлади Рашид. Сўнг боядан бери товонига ботаётган тошни зарб билан тепган эди, велосипеднинг канотига чирсиллаб тегди.

Собирнинг авзойи бирдан ўзгарди.

— Хали шунаками? — У велосипедини даст кўтариб, орқага бурди. — Мен ялинармишман-у, бу кишим ноз килармишлар. Энди ўзингдан кўр! — Собир шундай деди-ю, велосипедига сакраб миниб, гизиллатиб хайдаб кетди. Бўйнок Собирнинг орқасидан талпинган эди, Рашид итнинг бўйнидан кучоклаб, кулогига ниманидир охиста шивирлади.

Бўйнок бу гапдан севингандай, думини ликиллатиб Рашиднинг оёғига суйкалди...

